Ҳайзинг сени (ибодатдан) тўсиб турганича кутгин-да, кейин ғусл қил

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Умму Ҳабиба бинт Жаҳш — Абдурроҳман ибн Авфнинг хотини — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга (истиҳоза) қондан шикоят қилди. У зот унга: «Ҳайзинг сени (ибодатдан) тўсиб турганича кутгин-да, кейин ғусл қил», дедилар. У эса ҳар намоз олдидан ғусл қилар эди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Саҳобиялардан бири Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга ундан (истиҳоза) қон келишда давом этаётганини айтиб шикоят қилди. Шунда бу касалликка йўлиқишидан олдин қанча кун ҳайз кўрган бўлса шунча кун кутиб, ундан сўнг ғусл олиб намоз ўқишга буюрдилар. Умму Ҳабиба эса ҳар бир намоз учун ихтиёрий ғусл олар эди.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10015